

Алишер МУХАММАДИЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари кафедраси ўқитувчиси

ХИВАНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР ҚАДАМЖОЛАРИ ҲАҚИДА ДАСТУРИЙ КОМПЛЕКС ЯРАТИШ

СОЗДАНИЕ ПРОГРАММНОГО КОМПЛЕКСА О ДОСТОПРИМЕЧАТЕЛЬНОСТЯХ ХИВЫ

CREATION OF A SOFTWARE PACKAGE ABOUT THE SIGHTS OF KHIVA

Аннотация: Ушбу мақола бугунги кунда энг долзарб ҳисобланиб келаётган Ўзбекистон Республикасидаги асрлар давомида сақланиб келаётган тарихий диний мажмуаларимизни яъни масжидлар, мавзолейлар, мадрасалар ва қадимги биноларнинг характеристикаларини ҳар хил тилга ўгириб берадиган мультимедиа шаклида мобил алоқа телефонларига жонли равишда ўтказиб бериш алгоритмларини яратишга бағишланган.

Калит сўзлар: диний, мажмуа, масжид, мадраса, мавзолей, мультимедиа, мобил, сотали алоқа.

Аннотация: Данная статья посвящена созданию алгоритмов передачи характеристик наших исторических религиозных комплексов, сохранившихся на протяжении многих веков в Республике Узбекистан, которые сегодня считаются наиболее актуальными, на мобильные телефоны в виде мультимедиа, что позволит перевести характеристики мечетей, медресе и древних зданий на разные языки в реальном времени.

Ключевые слова: религия, комплекс, мечеть, медресе, тема, мультимедиа, мобильная, сотовая связь.

Annotation: This article is devoted to creating algorithms for transmitting the characteristics of our historical religious complexes that have been preserved for many centuries in the Republic of Uzbekistan, which are now considered the most relevant, to mobile phones in the form of multimedia, which will translate the characteristics of mosques, madrassas and ancient buildings into different languages in real time.

Keywords: religion, complex, mosque, madrasah, theme, multimedia, mobile, cellular communication.

КИРИШ

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг асрлар давомида сақланиб келаётган тарихий бинолар, ҳар хил диний мажмуалар қайтадан тикланди ва таъмирланиб хорижий давлатларни давлатимизга бўлган қизиқишини кучайтирди.

Хоразм ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табияти, бетакрор қадрият ва анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда. Шарқнинг кўпгина шаҳарлари каби Хива Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Хейвак номли сув ҳавзаси ёнида барпо этилган бўлиб, Хоразм воҳасининг суғориладиган ерларида ривожланиб келган.

Кўп асрлардан бери сақланиб келаётган биноларимизни, масжидлар, мавзолейлар ва ҳар хил тарихий анжуманларни Ўзбекистон Республикасининг харитасига расмий белгилар билан киритиб қўйиш ва бизнинг юртимизда фаолият олиб бораётган 5 (бешта) расмий мобил (сотали) телефон операторлари ҳам ушбу хариталаридан фойдаланиши учун барча шундай обидаларни замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотлар омборига киритиб бериш долзарб ҳисобланади [1-6].

Хоразм воҳасининг Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, шаҳар камида 2500 ёшга кирган. Буларнинг ҳаммаси ЮНЕСКО ташкилотига Хивани кўриқхона аҳамиятидаги шаҳар деб эълон қилишга, шаҳарнинг ички қисми бўлган Ичан-қалъани эса жаҳон аҳамиятидаги тарихий ёдгорлик деб эътироф этишга асос берган. «Авесто» китоби Хоразм тўғрисида тарихий маълумотлар беради. Хива шаҳрида 64 та мадраса мавжуд бўлиб, шулар ичида энг йириги ва чиройлиси Хива хони Муҳаммад Аминхон томонидан қурилган мадраса ҳисобланади.

Қурраи заминнинг энг кўҳна шаҳарлардан бири – Хива ўзининг буюк тарихига эга. Хива Амударёнинг чап соҳилида, Ўзбекистоннинг ҳозирги Хоразм вилоятининг жанубида жойлашган. Бу шаҳар минтақада бутунлигича сақланиб қолган ягона нодир обида-шаҳардир. Ўзоқ ўтмиш, асрлар оша бус бутун бизгача етиб келган “Ичанқалъа”га бугун дунёнинг турли

бурчакларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюрмоқдалар, ҳайратга тушмоқдалар.

МЕТОД

Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий тавсифлаш, қиёсий, компонент таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда ҳеч бир инсон, айниқса бошқа давлатлардан келаётган туристлар мобил алоқа телефонларисиз юрмайдилар. Шунинг учун замонавий ахборот коммуникацион технологиялари ёрдамида куйидаги масалаларни ечиш керак бўлади:

1. Давлатимизнинг майдони ичида жойлашган барча бизга маълум бўлган тарихий обидаларни яъни бинолар, масжидлар, мавзолейлар, қазилма йўллари орқали топилган ғорлар, тошларга ёзилган маълумотларни ва бошқа тарихий бойликларни компьютерга киритиб маълумотлар омборини яратиш керак.

2. Ушбу материалларни ҳар хил тилларда айниқса араб тилида ёзилганларни ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларга автоматик равишда ўтказиб инсон бемалол ўқий оладиган ҳолатга келтириб мобил алоқа телефонларга киритиб бериш.

3. Барча тарихий мажмуалар, мавзолейлар, мачитлар ва бошқа обидаларга таалуқли реклама роликларини яратиш.

4. Туристларни келиб кетиши учун яратилган меҳмонхоналарда видеокузатув тизимларини ишлаб чиқиш, АҚШ нинг GPS ва Россиянинг ГЛОНАСС навигацион назорат тизими асосида Ўзбекистон харитасига киритиб бериш [4,10,11].

5. Меҳмонхоналарда WiFi ва бошқа симли ва симсиз алоқа каналлари орқали ҳалқаро компьютер тармоғи бўлмиш Интернетга уланиш усулларини ишга тушириб бериш [10].

6. Ер шаридаги барча давлатлар Интернет орқали Ўзбекистон Республикасидаги барча тарихий обидалар тўғрисида маълумотларни мобил телефонларда бемалол кўраолиш имкониятини яратиш;

7. Туристларнинг узатаётган ва қабул қилаётган маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа жуда кўп АКТ мавзуларини аниқлаб, уларни ечиб бериш талаб этилади.

Юқорида келтирилган масалаларни ечиш учун асосан ахборот коммуникация технологиялари мутахассислари орқали амалга оширилиши барчага маълум.

Республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона ва бошқа вилоятларимиздаги тарихий мажмуаларининг барча характеристикаларини компьютерга киритиш ва ушбу маълумотларни мобил телефонлар орқали кўриб туриш учун уни андронд тизимига ўтказиб бериш ҳисобланади.

Ислон Конференцияси Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича муассасаси АЙСЕКСО Тошкентни 2007 йили Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилганлиги ҳаммага маълум. Биринчи Ўзбекистон Республикасимизнинг Президентининг Ҳастимом жамоатчилиқ жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинган, жуда қисқа муддатда катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги сабабли давлатимиздаги барча тарихий бинолар гўзал мажмуаларга айланди.

1966 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ер қимирлаш жараёнида бардош берган Ҳастимом мажмуасини мустақилликдан сўнг 2007 йилдан бошлаб жуда қисқа муддатда катта қурилиш – таъмирлаш ишлари қилинган ва натижада муҳташам Ҳазрати Имом мажмуаси бунёд бўлгани нафақат Ўзбекистонни барча вилоятларидан келаётганларни, балки ҳориждан келган меҳмонларни ҳам қизиқтиради. Шунинг учун шундай тарихий биноларни, масжидларни, мавзолейларни қачон ва ким тамонидан яратилганлиги, қандай қилиб шу пайтларгача турганлиги, унинг асосий кўрсаткичлари, яъни минораларининг баландлиги, уйлариининг ўлчамлари ва бошқа барча параметрлар албатта ҳаммани қизиқтиради. Бундан ташқари ушбу биноларга бириктириб қўйилган ва араб тилларида ёзилган сўзларни кўпчилик тушинмаслик ва таржимасини билмаслик натижасида ушбу мажмуалар тўғрисида маълумот ололмай кетишади.

1. Ичанқалъа - Ўрта Осиёдаги йирик ва ноёб меъморий ёдгорлик. Хиванинг ички қалъа (Шахристон) қисми. Ичан қалъа шаҳарнинг Дишанқалъа (ташқи қалъа) қисмидан кунгурдор девор билан ажратилган. У Хива работи (Дишанқалъа)дан баланд кўрғонтепага

ўхшаб кўринади. Ичанқалъага 4 дарвоза (Богча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза)дан кирилган.

Ичанқалъа девори илк бор эрамиздан аввалги VI-V асрларда қурилган бўлиб, давр ўтиши билан бир неча бор таъмирланган. Деворнинг баландлиги 7-8 метр, қалинлиги куйида 8-10, юқорида 2-3 метрни ташкил қилади, унинг устида бемалол аравада юриш имкони бўлган. Қалъа бир неча марта бузилиб-тузатилгани ҳақида тарихчи Худайберди Қўшмуҳаммад ўғлининг “Дили ғаройиб” асарида баён этилган. Бу тарихий деворнинг узунлиги 2200 метр бўлиб, тўрт томонга қарата қурилган дарвозалари бор.

2. Дишанқалъа – бу шаҳарнинг ташқи томони бўлиб, айнан баланд деворлари 6 километрга, баландлиги 8 метр ва қалинлиги 6 метрдан иборат иншоотдир. Эски шаҳарга бугунги кунда ҳам мустаҳкам сақланиб келаётган тўртта дарвозадан ташриф буюрса бўлади. 100 йиллар муқаддам эса бу дарвозалар сони 10 та бўлган.

3. Тошҳовли ҳарам саройи — Шарқ ҳукмдорлари ичида ўзининг ҳашамдорлиги, мухташамлиги билан ажралиб турувчи Хива хонларининг меҳмонларни кутиш, хоннинг турар жойи, ҳарамлари бўлган. Шу боис Хивада бир қанча хон саройлари бугунги кунгача ўз салобатини йўқотмаган десак муболаға бўлмайди.

Ана шундай машҳур саройлардан бири Оллоқулихоннинг (Тош саройи) саналади. Тошҳовли саройи (80х80 м) ташкил этади. Бу меъморий иншоот XIX аср бошларида қурилган, унинг ташқи кўриниши худди Кўн аркасини ёдга солади. Мазкур сарой 1830–1838 йилларда Хива хони Оллоқулихон томонидан (1794–1842 йилларда яшаб ўтган).

4. Кўҳна Арк – эски қалъа маъносини англатади. Қадимда бу маскан Хива хонларининг қароргоҳи бўлган. Унинг таркибида тангалар зарбхонаси, расмий қабуллар саройи, канцелярия, ҳарбий арсенал ҳамда маҳбуслар учун камокхоналар бўлган. Бино Шарқ наққошлик санъатидан унумли фойдаланилган ҳолда барпо этилган бўлиб, эшик ва ромлари ёғоч ўймакорлиги асосида безатилган.

5. Калта Минор минораси – дарҳақиқат қиска минор, деб аталган. Даставвал бу

иншоот Ислом дунёсида энг баланд минор, бўлиши кўзда тутилган. Унинг диаметри 14 метр. Агар бу қурилиш тўхтатилмаганида у мисли кўрилмаган даражадаги осмонўпар минорага айланган бўлар эди. Бу минора 26 метрлик баландликда қуришдан тўхтатилган. Қурилишнинг тўхтатилиш сабаби ҳозирги кунгача аниқланмаган. Шундай бўлсада бу иншоот Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Унинг устки қисми ялтироқ ғиштлар билан қопланган.

6. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси - кучли ватанпарвар ва маърифатпарвар Хоразм шоирининг хотирасига бағишлаб қурилган. У ҳақда афсоналар ҳам тўқилган. Унинг мақбараси Ўзбекистоннинг бошқа қадимий шаҳарларида ҳам учрайдиган ўзига хос ферузаранг гумбаз билан қопланган. Мақбара ички томонидан чиройли ҳаворанг ярқироқ плитачалар билан нақшланган. Паҳлавон Маҳмуд ёруғ дунёни 1322 йил тарк этган.

7. Ислом Хўжа минораси – Хивадаги энг кўп сайёҳлар ташриф буюрадиган ва машҳур қадамжолардан бири ҳисобланади. Бу иншоотни Қутлуғ Тимур дея ном олган Кўҳна Урганч минораси билан ҳам таққослаш мумкин. Баландлиги 45 метр бўлганлиги учун Хиванинг ҳар қайси нуқтасидан уни илғаб олиш мумкин. Ўз даврида ушбу минора узоқ манзиллардан келаётган қарвонлар учун маёқ вазифасини ўтаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Масалан, кўпчиликка маълум, Хастимом мажмуасини обод қилишда унинг таркибидаги кўҳна ёдгорликларнинг барчасини асл ҳолида қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилиб, янги барпо этилган Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ҳазрати Имом жоме масжиди, икки улкан минора, “Истиқлол” маҳалла гузари ва бошқа иншоотлар шу тарихий биноларга ҳар томонлама уйғун ҳолда, шарқона меъморий услуб ва замонавий шарт шароитларга эга ҳолда барпо этилганлиги ушбу соҳа мутахассисларига маълум. У икки минорали кўш гумбазли улкан иншоот ҳисобланади. Жоме масжид нафақат пойтахтимизда, балки юртимиздаги энг катта масжидлардан бири ҳисобланади. Унда бир пайтнинг ўзида айвони билан қўшиб ҳисобланса, беш мингдан ортиқ киши намоз ўқий олади. Хонақоҳнинг узунлиги 77 метр, эни эса 22 метр, меҳроби билан қўшиб ҳисобланса, 24

метр келади. Қанотлари ҳам бўйига 35, энига 25 метр катталиқда. Эътиборли жиҳати шундаки, масжиднинг шундай катта хонақоҳи устунсиз қўтарилганлиги ҳисобланади. Масжиднинг икки томонидаги минораларнинг баландлиги 57 метр. Баъзи маълумотларга кўра, Қафқол Шоший вафоти даврида ҳозирги макбарага ўхшаш қурилмани қорахонийлар ғиштдан тиклашган. Мўғуллар истеълоси даврида вайронага айланган макбарани Соҳибқирон Амир Темур XIV асрда қайтадан бунёд этган экан. Ҳозирги ёдгорликнинг замин қисмлари X-XI асрларга, юқори қисми эса XIV-XVI асрларга хос бўлиб, Самарқанд услубида қурилган экан. Бароқхон мадрасаси 1502-1770 йиллар оралигида босқичма-босқич қурилган, кейин яхлит бир иморат шаклини олган экан. Қадимшунослар асосан уч босқичда қурилганини аниқлашган. Бинонинг биринчи бўлаги бош пештоқнинг чап тарафидаги номаълум макбара ҳисобланади. Услуби самарқандча, XIV асрнинг иккинчи ярмида тикланган экан. Иккинчи бўлаги 1531-1532 йиллари қуриб битказилган. Гумбази «Бароқхон» ёки «Кўк Гумбаз» деб аталган, Суюнчхўжанинг тўнғич ўғли Муҳаммад отаси учун солдирган макбара бўлиб Бухоро меъморлиги услубида, икки макбара ораси XVII аср ўрталаригача мазор бўлган экан. Сўнгра қандайдир сабабларга кўра мазор бузилиб, тимли айвон билан икки макбара уланган. Тимлар бир қаватлик бўлиб, анъанавий гумбазлар билан ёпилган экан. Бундай маълумотлар албатта компьютерга жойлаштирилган, лекин уларни бошқа давлатлардан келтирилган туристларнинг барчаси ўзи билан компьютер олиб юраолмайди, лекин ҳар бирининг қўлида албатта мобил телефонлар борлиги учун ана шу маълумотларни андроид тизимида ушбу телефонлар хотирасига мультимедиа тизимида бемалол киритиб олиш ва улардан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Андроид операцион тизимининг афзалликларидан бири шундаки, унда танланган объект структурасини дастур орқали амалга оширишда анча имкониятлар мавжуд [4].

Дастур структураси автоматлашган ҳолда тизим томонидан яратилади, дастурловчи эса дастур тузиш жараёнида дастур объектларини мантиқан боғланиш босқичларини тўғри танлай

билиши ва модуллар орқали узатилиши керак бўлган параметрларни тўғри танлаб узата олиши етарлидир. Андроид операцион тизимида дастур тузиш жараёнида маълумотлар яхлитлиги ва ишончлиги ҳимоясини ошириш учун Android Studio дастурлаш муҳитини ўрнатиш жараёнида дастурлар учун алоҳида файл яратиш сўралади ва дастурлаш муҳитида тузулган ва тузулаётган дастурлар шу файлда сақлаб борилади. Ҳар бир дастур файли алоҳида бўлиб, бу файл ҳам ўз навбатида ичидаги сақланадиган маълумотлар турига қараб бир неча, файлларга бўлинади.

НАТИЖА

Республикаимизда жойлашган барча тарихий обидаларни масалан, Самарқанд шаҳридаги Регистон, Бибиҳоним, Улугбек, Амир Темур ва бошқалар, Бухородаги Лаби ховуз, Амир Олимхон, Етти пирлар комплекслари ва бошқалар Хоразмнинг Ҳива шаҳарчасидаги, Фарғона, Қашқадарё ва бошқа шаҳарларимизда яратилган барча тарихий обидаларни қачон қурилганлиги, уларнинг барча характеристик маълумотларини, уларнинг қаерда жойлашганликларини географик картада кўрсатиб, аэропорт ва темир йўл вокзалларидан ушбу обидаларга бориш маршрутларини мобил телефонида кўриб бориш масалаларининг алгоритмларини яратиш, ҳамда замонавий дастурий воситалар асосида ишлатиб бериш масалалари, бундан ташқари компьютерга киритилган Интернет тармоғидан олинadиган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари энг долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари араб тилларида ёзилган маълумотларни ва ҳар хил видео тасвирларни ҳам мобил (сотали) телефонларида автоматик равишда таржима қилиб ўзбек, рус ва бошқа тилларга ўтказиб берадиган дастурий лўғатларни киритиб бериш натижасида мустақил Ўзбекистоннинг обрўсини оширади. Бутун дунё ҳалқаро компьютер тармоғи бўлмиш Интернетдан фойдаланаётганлар сони кундан кунга ошиб бормоқда ва кунига дунё бўйича ушбу тармоққа қараётганлар сони 3,5 миллиарддан ошиб кетди [1,2]. Яна бир катта муаммолардан бири бу компьютер тармоқлари ёки мобил алоқа телефонлари орқали маълумотлар алмашинаётган жараёнларда ахборотларни хавфсизлигини

таъминлаш, уларнинг хатосизлигини, бутунлигини, ўзгартирилмаганлигини, сохталаштирилмаганлигини таъминлаш ҳисобланади. Интернетда ҳам жуда кўп инсонларга айниқса ёшларга салбий таъсир этадиган маълумотлар кўпайиб бормоқда. Шунинг учун узатилаётган ёки қабул қилинаётган маълумотларни зарарли ёки зарарсизлигини аниқлаш тизимларини ишлаб чиқиш, ҳар хил замонавий интеллектуал тизимларни яратиш бугунги замон талаби ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, тажрибанинг етишмаслиги туфайли сайёҳлик компаниялари баъзи истеъмолчилар талабларини инобатга олмайди. Кўплаб сайтларга оид маълумотлар фақатгина сайёҳларга қизиқишнинг умумий сонининг 35% ни ташкил этади. Осиё мобил бозори жуда ўзига хосдир. Унда энг оммабоплари ўйин дизайни ва монетизация учун махсус ёндашув борлигини кўришимиз мумкин. Кўпгина фойдаланувчилар экскурсия ва сайёҳлик компаниялари учун етарли миқдордаги маълумотни топа олмаганлари ва компанияларнинг ўзи потенциал миқдорларни йўқотиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Android ва IOS тизимларига мўлжалланган зиёрат туризмини тарғиб этувчи мобил иловаларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Янги технологиялардан фойдаланиш туристик саёҳатни ташкил қилишда, ундан воситачилик тузилмаларини чиқариб ташлашда анъанавий занжирнинг узилишига олиб келади. Сайёҳ ўзи таътилни ташкилотчисига айланади туристик тўпламнинг таркибий қисмларини мустақил равишда бирлаштириш имкониятлари мавжуд: парвоз, турар жой, трансфер, шунингдек экскурсия дастурлари. Юқорида келтирилган асосида республикамиздаги барча тарихий мажмуаларимизни маълумотлар базасини яратиш ва андроид тизимида мобиль алоқа телефонларига ўрнатиб бериш мақсадида амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу кадамжолар Хива ва Хоразм вилоятидаги тарихий архитектура ёдгорликларининг ҳаммаси эмас. Урганч ва Хивага чегарадош ҳудудларда ҳам эллиқдан зиёд қадимий ёдгорлик мажмуалари сақланиб қолган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Нигматов Х. ва бошқалар. Замонавий ахборот технологиялари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 132 б.
2. Нигматов Х., Турсунов Н. Ахборот хавфсизлиги: ўқув қўлланма. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси нашриёти, 2018. – 120 б.
3. Нигматов Х. Информационная безопасность. Защита информации в сети телекоммуникации. Учебное пособие. – Чимкент, 2015. – 188 с.
4. Nigmatov X., Umarov U. Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining aloqa kanallarida axborotlarni himoyalash. Монография. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.
5. Информационные системы и технологии: Научное издание / Под ред. Ю.Ф. Тельнова. – Москва: Юнити, 2012. – 303 с.
6. Информационные технологии и вычислительные системы: Обработка информации и анализ данных. Программная инженерия. Математическое моделирование. Прикладные аспекты информатики / Под ред. С.В. Емельянова. – Москва: Ленанд, 2015. – 104 с.
7. Информационные технологии и вычислительные системы: Математическое моделирование. Интернет-технологии. Компьютерная графика. Интеллектуальный анализ текстов. Прикладные аспекты информатики. Биоинформатика и медицина / Под ред. С.В. Емельянова. – Москва: Ленанд, 2013. – 104 с.
8. Информационные технологии и вычислительные системы / Под ред. С.В. Емельянова. – Москва: Ленанд, 2010. – 104 с.
9. Информационные технологии и вычислительные системы. Вычислительные системы. Компьютерная графика. Распознавание образов. Математическое моделирование / Под ред. С.В. Емельянова. – Москва: Ленанд, 2015. – 100 с.
10. Нигматов Х. Компьютерные сети и системы в IP телефонии. Учебное пособие. – Шымкент: Жебе, 2013. – 240 с.
11. Нигматов Х. Системы и устройства спутниковой и мобильной радиосвязи. Учебное пособие. – Шымкент: Жебе, 2013. – 304 с.